


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 15 сентябрь, № 179 (6362) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Бельгия Қироллиги парламенти Вакиллар палатаси раиси Зигфрид Браке бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.*

## Ўзбекистон ва Бельгия парламентлари вакилларининг учрашуви

Музокара давомида меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти, чунончи, Қонунчилик палатаси фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди. Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган тараққиётнинг "ўзбек модели" барқарор ривожланишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Бельгия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўплаб соҳалар қатори парламентаризм йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Делегация аъзолари томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва демократик ислоҳотлар ижобий баҳоланди. Шунингдек, улар мамлакатда олиб борилаётган сиёсатни, хусусан, тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик таъминланаётгани, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароит яратилганини алоҳида таъкидлашди.

Ўзбекистонда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар, айниқса, фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида амалга оширилаётган ишлар юқори баҳоланди.

Таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги тажрибаси Бельгия томони учун долзарб аҳамиятга эга.

Ўз навбатида, меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси билан мустаҳкам алоқалар самарали давом этиши ҳар икки томон учун фойдали эканлигини билдирдилар.

Учрашувда икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

**ICTWEEK UZBEKISTAN — 2015**

## Замонавий ахборот технологиялари

### интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга

Мамлакатимизда "ICTWEEK Uzbekistan — 2015" анъанавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги бошланди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси томонидан ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан пойтахтимизда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган анжуманда мазкур ҳафталикнинг аҳамияти ва унинг доирасида ташкил этилиши режалаштирилаётган тадбирлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Таъкидланганидек, юртимизда истиқлол йилларида ахборот-коммуникация соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунда уни тараққий эттиришга хизмат қилувчи ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилгани муҳим ўрин тутмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда**

*Она Ватан — инсон учун энг азиз гўша. Унинг равнақи, буюк келажаги учун хизмат қилиш эса олий саодатдир.*

## Дўстлик фестивали

Бугун мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида ёшларимизнинг замонавий билимларни пухта эгаллашини таъминлаш билан бирга, уларнинг онги ва қалбида туғилиб ўсган юртига чексиз муҳаббат ҳамда садоқат туйғуларини янада мустаҳкамлашдек эзгу ғоя ҳам мужассамдир.

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан "Нима қилдик Ватан учун?" ҳамда "Биз, ёшлар гиёҳвандлик ва терроризмга қаршимиз!" шиорлари остида ташкил этилган ёшлар фестивали навқирон авлод вакилларининг юртимиз истиқболи йўлида илм-фан, маданият, адабиёт, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда қўлга киритаётган улкан ютуқ ва марраларини яна бир карра намоён этди. Албатта, буларнинг барчаси Ўзбекистонимизда ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етиши, истеъдодини рўёбга чиқариши учун яратилаётган беқиёс шарт-шароитларнинг ёрқин самарасидир.

(Давоми 2-бетда).

# ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАР АНИҚЛАНДИ



Шерзод НАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.

*Жиззахда "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танловининг республика босқичи ўтказилди. Ушбу тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичларида ғолибликни қўлга киритган 14 та фуқаролар йиғини жамоаси аъзолари иштирок этди.*

**КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

Таъкидланганидек, истиқлолнинг илк йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида маҳалла институти нуфузини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, ислоҳотлар жараёнидаги фаол иштирокини янада кучайтириш масаласига устувор аҳамият қаратилаётгани бугун ўз самарасини бермоқда. Хусусан, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган долзарб вазифалар белгиланган бўлиб, ана шу асосда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари янги таҳрирда ҳаётга татбиқ этилди. Эътиборлиси, ҳозирги пайтда ушбу қонун ҳужжатлари маҳаллаларни тадбиркорликни ривожлантириш марказларига айлантириш, фуқаролар йиғинларидаги жамоатчилик комиссиялари ишини такомиллаштириш ҳамда аҳоли манфаатларини ҳимоялашда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Жисмоний тарбия ва спорт — соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим омили

*Президентимиз таъкидлаганларидек, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш — келажаги буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга юксак обрў эгаллаш демакдир.*

**ҚОНУН КУЧГА КИРДИ**

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳоли кенг қатламини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш мақсадида яхлит инфратузилма яратилди, замонавий талабларга жавоб берадиган кўплаб объектлар барпо этилиб, улардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди. Ўзбекистон йирик халқаро мусобақалар, хусусан, бокс, таэквондо, эркин кураш, қиличбозлик ва бошқа спорт турлари бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатлари ўтказиладиган мамлакатга айланди.

Президентимиз ташаббуси билан 2002 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиши соғлом авлодни жисмоний жиҳатдан бақувват қилиб тарбиялашда муҳим қадам бўлди. Ўтган давр мобайнида ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан 1701 спорт иншооти барпо этилди, уларда замонавий талабларга жавоб берадиган мустаҳкам моддий-техник ва кадрлар базаси жамланди. Булар, шак-шубҳасиз, спорт билан шуғулланишни оммалаштиришга, болалар саломатлигини мустаҳкамлашга, халқаро ареналарда ёшларимизнинг юқори натижаларни қўлга киритишига, Ватанимиз нуфузини оширишга хизмат қилмоқда. Қолаверса, мутлақ соғлом болалар сони 2014 йилда 64,5 фоизга етди. Ваҳолонки, 2005 йилда бу кўрсаткич 52,7 фоизни ташкил қилар эди.

(Давоми 2-бетда).

**КОНФЕРЕНЦИЯ**

*Фарғона вилоятида "2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида" мавзуида конференция-семинар бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, солиқ, суд органлари вакиллари ҳамда вилоятда фаолият юритаётган тадбиркорлар, фермерлар қатнашди.*

## Дастурий вазифалар ижроси

### хусусий сектор ривожига янада кенг йўл очади

Таъкидланганидек, кейинги йилларда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада соҳа вакиллари ўз олдиларига қўйган мақсадлари сари дадил интилиб, янги-янги ғоя ҳамда ташаббуслари билан мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бунда, табиийки, уларга берилаётган имконият ва имтиёзлар қўл келаётир. Жумладан, Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида ишбилармонлар манфаатини кўзловчи кўплаб енгилликлар берилдики, бу ҳам улар фаолиятини янги босқичга кўтаришга хизмат қилаяпти.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида хусусий секторнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 51,2, умумий бандликдаги ҳиссаси эса 79,2 фоизни ташкил этаётгани ана шундай ҳаётбахш ислоҳотларнинг ёрқин самарасидир.

(Давоми 2-бетда).

## Бунёдкорлик ва фаровонлик тараннуми

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод боғида "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди.*

**ТАДБИР**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий адабиётимизни янада равнақ топтириш, халқимизнинг ардоқли ёзувчи ва шоирлари ижодини кенг ўрганиш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотларнинг муҳим қисми эканини таъкидладилар. Ушбу амалий саъй-ҳаракатлар буюк аждодларимизнинг ҳаёти, маънавий мероси, мустақиллик йилларида қўлга киритилган улкан марраларнинг мазмун-моҳияти, халқимизнинг улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳияти, меҳнатсевар, фидойи ҳамюртларимиз образини бадиий асарларда яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Бинобарин, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча соҳаси қатори маънавиятимиз кўзгуси бўлмиш бадиий ижод, хусусан, бадиий адабиёт ривожи давлатимиз, жамиятимизнинг доимий эътиборида.

(Давоми 4-бетда).

Қарши:

# БУГУНИ ОБОД, ЭРТАСИ НУРАФШОН

24 йил

*Президентимиз жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида шу йили Қашқадарё вилоятига қилган ташрифи чоғида Қарши шаҳридаги бунёдкорлик ишларини юқори баҳолаб, бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини, тавсияларини билдирди, янги вазифаларни белгилаб берди.*




Хусусан, "Ҳар бир шаҳарнинг бош режаси устида ишлаганда, бино ва йўллар қураётганда бешўн йилни эмас, балки узоқ истиқболни ўйлаб иш юритиш лозим. Улар ҳар томонлама мукаммал манзара ҳосил қилсин, шу билан бирга, пишиқ ва мустаҳкам бўлсин, нафақат бугунги, балки келажак авлодларимизга ҳам хизмат қилсин", деди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, икки минг етти юз йиллик тарихга эга бу кўҳна кентни кўпинча саҳро жавоҳирига менгзашади. Негаки, шаҳарни бир пайтлар одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган яйдоқ чўлу биёбон ўрнида барпо бўлган, дейишади. Бироқ бугун ушбу гапга биров ишониши қийин. Қаршининг бугунги жамолини кўрган, кундан-кунга ороланиб бораётган обод манзилларида бўлган киши бу ҳақда ҳатто ўйлаб ҳам ўтирмайди. Шаҳар марказидаги Мустақиллик майдонидан ўтиб борарканмиз, ҳамроҳимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони, фермер Абдимурод Бозоров ҳам айни дилдаги гапларни айтади:

— Деҳқоннинг умри далада ўтади, дейишади. Бир пайтлар шундай бўлгандир, лекин ҳозир эмас! Юртимизда бугун инсон қадри улуғ. Ҳамма нарса инсон учун, унинг манфаатига қаратилган. Астойдил меҳнат қилган одам ҳордиқ ҳам чиқаради, роҳатини ҳам кўради. Қўлим ишдан бўшади дегунча, набираларни машинага ўтқазаману Қарши зиёратига олиб келаман. Она шаҳримиз кўчаларини, ям-яшил боғу хиёбонларини эринмай, бирма-бир кезиб чиқамиз. Биласизми, нега? Чунки биз бунёдкор халқмиз. Қайдаки бунёдкорликни, ободликни кўрсак, бир олам завқ оламиз. Қолаверса, Қарши шаҳрининг қиёфаси жуда тез ўзгариб, янгиланиб бораяптики, баҳорда келган бўлсангиз, кузгача қилинган кенг кўламли ишлардан ҳайратга тушишингиз, шубҳасиз...

(Давоми 4-бетда).

# Жисмоний тарбия ва спорт — соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонун мустақил давлатчилигимизда қабул қилинган илк ҳужжатлардан ҳисобланади. Ўзбекистон 1993 йилда Халқаро олимпия қўмитаси, қатор спорт федерацияларига аъзо бўлди. Терма жамоамиз Олимпиада ўйинлари, жаҳон чемпионатларида мустақил Ўзбекистон Республикаси байроғи остида қатнаша бошлади.

Ўтган йиллар давомида юртимиз спорти жадал ривожланди. Бугунги кунда вакилларимиз энг нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда. Уларнинг тайёргарлик ва маҳорати сезиларли даражада ошди. Спорт амалда оммавий ҳаракатга айланди. Ҳозирги кунда икки миллион нафардан ортиқ йигит-қизларимиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида ҳаётимизда жуда кўп ижобий ўзгаришлар юз берди. Ўз навбатида, соҳада малака ва талаблар ошиб бораётгани ҳамда тизимда кадрлар сиёсатини юритиш амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш заруратини туғдирди.

Янги таҳрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонун жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг сифат жиҳатдан мутлақо янги ҳуқуқий асосларини яратади. Депутатлар ва соҳа мутахассислари ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида ўз фикрлари билан ўртоқлашишди.

**Алишер ШАДМАНОВ,**
**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси**
**депутати:**

— Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида тўпланган тажриба, мавжуд амалиёт таҳлили мазкур Қонуннинг бир қатор нормаларини бугунги кун талаблари билан уйғун ҳолга келтириш, уни тизимлаштириш, янгиликлар киритиш, шунингдек, ижро этилиши самарадорлигини янада ошириш заруратини туғдирган эди.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ишчи гуруҳи ушбу ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашда депутатларнинг назорат-таҳлил фаолияти натижаларига, олимлар, мутахассислар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари фикрларига таянди. Қонун сиёсий партияларнинг қуйи палатадаги барча фракцияси ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи томонидан атрофлича муҳокама қилинди, уларнинг позициялари шакллантирилди. Ушбу мавзуда мутахассислар, кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда давра суҳбатлари, семинарлар ва анжуманлар ўтказилди. Бундай тадбирларда депутатлар, давлат органлари масъул ходимлари, мутахассислар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, тадбиркорлар томонидан юздан ортиқ таклифлар билдирилиб, улар қонун лойиҳасини такомиллаштиришда инобатга олинди. Ушбу соҳадаги халқаро тажриба ўрганилди, умумэътироф этилган ҳуқуқий нормаларнинг қиёсий таҳлили ўтказилди. Буларнинг барчаси пировардида қонун қоидаларининг яхлитлигини таъминлаш ва уларни тизимлаштиришда қўл келди. Парламент палаталарининг 2015 йил 23 январдаги қўшма мажлисида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган қонун ишлаб чиқилдики, бу янги таҳрирдаги қонун қоидаларининг тўлиқ рўёбга чиқарилишига хизмат қилади.

Янги таҳрирдаги Қонун ёшларни спортга кенг жалб қилиш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш тизими ва самарали спорт инфратузилмасини шакллантириш, юқори малакали спортчиларни ҳамда спорт захирасини тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўзда тутади.

**Нодиржон МУХТОРОВ,**
**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси**
**депутати:**

— Қонунда 25 дан ортиқ асосий тушунчаларга изоҳ берилган. Бу ҳуқуқий нормаларнинг бир хил қўлланилишини ҳамда мазкур Қонуннинг самарали ижро этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари тўғрисидаги янги нормага эътибор қаратишни истардик. Чунки улар халқимиз маданияти ва бой тарихий меросимизнинг муҳим қисми ҳисобланади. Уларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш йигит-қизларимизнинг нафақат жисмоний соғлом, айни пайтда маънавий камол топишида, аждодларимиз меросига, қадриятларимизга ҳурмат, она-Ватанига муҳаббат руҳида тарбияланишида муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда юртимизда ва халқаро миқёсда кураш, белбоғли кураш, "Турон" якка кураши, ўзбек жанг санъати ва бошқа миллий спорт турлари тобора оммалашиб, нуфузи ошиб бормоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ушбу спорт турларини халқаро миқёсда оммалаштириш ва ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Бу янги таҳрирдаги Қонунда ҳам ўз ифодасини топди.

Шунингдек, унда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари белгилаб қўйилгани диққатга сазовордир. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини янада аниқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликларининг ваколатлари аниқ белгилаб берилди. Буларнинг барчаси соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тизимли ривожлантириш имконини беради.

**Шавкат СУЛТАНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Маданият ва спорт ишлари**
**вазирлигининг**
**Сертификациялаш ва**
**компьютерлаштириш**
**маркази директори,**
**"Жисмоний тарбия ва спорт"**
**стандартлаштириш бўйича**
**техник қўмита раиси:**

— Бугунги кунда барча ҳудудларда замонавий спорт иншоотлари қурилиши билан бир қаторда, зарур спорт инвентарлари ва жиҳозларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Янги таҳрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонунда бу масалага алоҳида эътибор қаратилгани ниҳоятда муҳимдир.

Сўнгги йилларда давлат ва халқаро стандартларга жавоб берадиган спорт анжомлари, инвентарлари ва кийимларини ишлаб чиқариш кенг ривожланмоқда. Маҳаллий корхоналар салоҳияти ҳисобга олинган ҳолда спорт товарлари каталоги тузиб чиқилган. Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури асосида маҳаллий хом ашёдан болалар спорти иншоотларини жиҳозлашда фойдаланиладиган 120 дан ортиқ турда инвентарлар ва юздан зиёд турда спорт буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.

Эътиборлиси, мазкур Қонун билан нафақат спорт терма жамоаларини шакллантириш шартлари, айни пайтда уларни моддий-техникавий, шу жумладан, спорт экипировкаси билан таъминлаш тартиби белгилаб қўйилди. Қонуннинг алоҳида бўлими эса жисмоний тарбия ва спортнинг моддий, тиббий, молиявий ҳамда бошқа таъминотига бағишланган. Янги Қонун билан мамлакатимизда соҳани ривожлантиришнинг барча жиҳати қамраб олинган бўлиб, бу аҳолини жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш масаласини амалий ва кенг миқёсда ҳал этиш, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

**Равшан ИРМАТОВ,**
**ФИФА рефериси:**

— Республикамизда спортни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар ижобий самарасини бераяпти. Осиё, жаҳон чемпионатлари, Олимпиада ўйинларида юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилаётган спортчиларимиз сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида мамлакатимиз ҳудудларида олимпия захиралари коллежлари, спорт мактаблари очилган. Мунтазам ўтказиб келинаётган уч босқичли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинлари ёшларимизнинг маҳорати қанчалик ўсиб бораётганини, улар орасида спорт нечоғлик оммалашаётганини кўрсатмоқда.

Янги таҳрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигига, жисмоний тарбия ва профессионал спортга кўрсатилаётган улкан эътиборнинг яққол далилидир. Унда ушбу соҳада фаолиятни ташкил қилишга алоҳида урғу берилган, спортчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланган бўлиб, бу уларнинг мақомини оширади, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кафолатлайди. Спортда допингнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилаяпти. Умуман, ушбу ҳуқуқий ҳужжат жисмоний тарбия ва спортни жадал ривожлантириш, спортчиларимизнинг юқори натижаларни қўлга киритишига хизмат қилади.

**Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.**

# Дастурий вазифалар ижроси

## хусусий сектор ривожига янада кенг йўл очади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қолаверса, жорий йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалигида 6,2, чакана савдо айланмасида 14,2, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда 10,7, жами кўрсатилган хизматларда 18, пуллик хизматлар кўрсатишда 13,8 фоиз ўсишга эришилди.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 440,7 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу ҳам аввалги йилнинг шу давридагига қараганда 1,3 марта юқори кўрсаткичдир. Пировардида соҳа вакиллари шу давр ичида 93,2 миллион АҚШ долларилик экспорт амалиётини бажаришди.

Албатта, бундай ижобий кўрсаткичлар замирида мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий база тубдан қайта кўриб чиқилиб, 2012 — 2014 йилларда 15 дан ортиқ қонунлар қабул қилингани, кейинги тўрт йилда 167 та рухсат бериш, 19 та лицензияланадиган фаолият тури бекор қилингани, рухсат бериш характеридаги ҳужжатларни расмийлаштиришдаги йиғимлар икки баробар камайтирилгани каби омиллар мужассамдир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. Парпиев, вилоят прокурори Б. Пўлатов ҳамда бошқаларнинг маърузалари тингланди. Уларда тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиётимиздаги ролини кенгайтириш ва ўрнини мустаҳкамлаш, бу йўлдаги тўсиқ ҳамда чекловларга барҳам бериш, соҳа вакилларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини изчил ошириб бориш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишга қаратилган устувор масалаларнинг аҳамияти хусусида сўз юритилди. Бу борада вилоятдаги маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат қилувчи ҳамда суд идоралари олдида турган вазифалар таҳлил этилди.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги Фармонига биноан, назорат қилувчи органларнинг 50 дан зиёд идоравий норматив ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, амалиётга жорий қилинмоқда. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни тартибга солиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашишни чеклаш, ишбилармонлар учун жорий этилган имтиёзлар ва преференциялар ҳамда уларни қўллаш бўйича янги меъёрлар шулар жумласидандир.

Самимий мулоқот, ўзаро тажриба алмашиш руҳида ўтган конференция-семинарда вилоят прокуратураси, адлия, божхона, солиқ бошқармалари, савдо-саноат палатаси вилоят бўлими томонидан кўргазма ташкил қилиниб, қонунчиликдаги янги тартиб-таомиллар, ўзгаришлар, имтиёзлар борасида кенг тушунчалар берилди. Вилоят шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, бош ҳисобчиларига махсус буклетлар, меъёрий қўлланмалар тарқатилди. Соҳа вакилларини қизиқтирган саволларга тегишли мутасадди идоралар мутахассислари томонидан батафсил жавоб қайтарилиб, зарур тавсиялар берилди.

— Мамлакатимизда яратилаётган бу каби имкониятлар биз, тадбиркорларни ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишга, янги марраларни забт этишга руҳлантирмоқда, — дейди Тошлоқ туманидаги "СТАпласт" хусусий корхонаси раҳбари Собиржон Зокиров. — Энг муҳими, бунинг натижасида қўшимча иш ўринлари ташкил этилаяпти, маҳсулотларимиз нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз ўрнини топаяпти. Бу эса даромадимиз кўпайиб, фаолиятимиз кенгайишида айни муддао бўлаётир. Конференцияда қатнашиб, шунга амин бўлдикки, юртимиз тадбиркорларининг иши келгусида бундан ҳам жадал тараққий этиб бораверади. Чунки биз учун давлатимиз томонидан берилаётган имконият ва имтиёзлар кўлами ниҳоятда кенг.

Тадбир якунида тадбиркорлардан тушган таклифлар умумлаштирилиб, зарур вазифалар белгилаб олинди.

Конференция-семинарда Фарғона вилояти ҳокими Ш. Ғаниев сўзга чиқди.

**Набижон СОБИРОВ.**

# Замонавий ахборот технологиялари

## интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида келгусида республикамизда мазкур соҳани ривожлантириш борасидаги устувор вазифалар белгилаб берилган. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ҳафталик эса юртимиз ахборот-коммуникация тизими ютуқларини кенг намойиш этиш имкониятини яратмоқда. Унинг доирасида соҳани такомиллаштиришга хизмат қилувчи бир қатор тадбирлар уюштирилиши мўлжаллангани ушбу нуфузли анжуманга қизиқувчилар сафини кенгайтираяпти.

18 сентябргача давом этадиган ҳафталик доирасидан ўндан ортиқ тадбирлар ўрин олган. Уларда 20 дан зиёд мамлакатдан ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси ишлаб чиқарувчилари ва экспертларнинг иштирок этиши кутилаётир. "ICTExpo — 2015" ахборот технологиялари кўргазмаси, АКТ бўйича миллий форум, халқаро саммит, "Best Soft Challenge" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими, киберфутбол бўйича "Uzbekistan Cyber Games FIFA-15" Ўзбекистон кубоги беллашувлари, қатор мавзулардаги семинарлар шулар жумласидандир. Яна бир янгилик шундаки, жорий йилда илк бор "Gadget Fair" деб номланган телефон, смартфон ва планшетлар кўргазмаси ҳам ташкил этилади.

Ҳафталик ана шундай қизғин ва янгиликларга бой тарзда ўтиши кутилмоқда. Зеро, анжуман мобайнида юртдошларимиз мазкур соҳадаги энг сўнгги янгиликлардан биринчилар қаторида хабардор бўлиш баробарида, унинг фаол иштирокчисига ҳам айланишади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Дўстлик фестивали

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фестивалнинг республика босқичи Термиз шаҳрида ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маданият ва санъат соҳаси мутахассислари, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, педагоглар, фаол ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ташкил этилган мазкур фестиваль Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Унинг доирасида қатор маданий-маърифий муассасалар, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари ҳамда таълим муассасаларида таниқли ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, ёшлар иштирокида суҳбатлар, ижодий учрашув ҳамда концерт дастурлари намойиш қилинди. Шунингдек, ёшларга терроризм, экстремизм, гиёҳвандлик, "оммавий маданият" каби иллатларнинг зарарли оқибатлари ҳақида батафсил тушунчалар берилди.

Термиз шаҳридаги муҳташам амфитеатрда ўтказилган фестивалнинг якуний босқичида санъат усталари томонидан гала-концерт намойиш этилди.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАР АНИҚЛАНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари тинч ва осуда ҳаётимизни сақлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш сингари эзгу ишларга бош-қош бўлиб келишмоқда. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ушбу ноёб тузилманинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган комплекс чора-тадбирлар туфайли мазкур институт нуфузи ошиб, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ҳар йили "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ташаббуси билан тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танлови фуқаролар йиғинлари фаолиятини такомиллаштириш, тизим фаоллари билим ва малакасини ошириш, илғор иш тажрибаларни кенг оммалаштиришда муҳим роль ўйнамоқда. Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган танловнинг республика босқичи ҳам шу эзгу мақсадларга хизмат қилиши билан бирга, тизим ходимларининг 30 дан зиёд вазифаларга доир билимларини мустаҳкамлашда айни муддао бўлди, ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтади.

Тадбирда алоҳида эътироф этилганидек, бугунги кунда юртимиздаги 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида 36 мингдан ортиқ тизим ходимлари фаолият кўрсатмоқда ва улар томонидан маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она-Ватанга ва истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашига ёрдам бериш, оилавий низоларнинг олдини олиш, урф-одат ва маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида фуқаролар йиғинлари томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 50 мингдан зиёд маънавий-маърифий кечалар, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган 40 мингга яқин тадбирлар ўтказилгани ҳам шундан далолатдир.

Айни чоғда фуқаролар йиғинларининг ҳудудлардаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик муносабатлари тобора ривожланмоқда. Жумладан, "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар доирасида жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллаларда 58 мингдан ортиқ тадбирлар ташкил этилди. Маҳаллаларда истиқомат қилаётган ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишга кўмаклашиш мақсадида 9100 га яқин фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қошида ташкил этилган "Ота-оналар университетлари" томонидан 56 мингдан зиёд турли тадбирлар уюштирилди. Маҳалла фаоллари томонидан 1,4 миллиондан зиёд оиланинг маънавий ҳолати ўрганилди ва пировардида 32 мингга яқинидаги низоларга барҳам берилди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида 1200 нафарга яқин ёлғиз ва ижтимоий муҳтож кексаларнинг уй-жойлари таъмирланишига кўмаклашилган. Нуронийларимиз иштирокида "Кексаси бор хонадон — файзли хонадон" ва "Кексалар дуосини олайлик" мавзуларидаги маънавий кечаларга 12 минг нафардан зиёд ёлғиз ва ижтимоий ёрдамга муҳтож кексалар қамраб олинди ва шулардан 513 нафарига мебель жиҳозлари, 3700 нафарига уй-рўзғор буюмлари, 8 минг нафардан ортиғига кийим-кечак маҳсулотлари берилди. "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида 23 минг нафарга яқин уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, ёлғиз ва ногиронлар учун Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент ва Қўқон шаҳарларига саёҳатлар ташкил этилди.



Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

— Танловнинг республика босқичи иштирокчилари илғор маҳаллалар фаолияти билан бевосита танишиш, уларнинг шу ҳудудда жойлашган корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлиги қанчалик самара бераётганини ўрганиш ва ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлишди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Долли Аллаев. — Бу, ўз навбатида, юртимизнинг барча ҳудудидаги маҳаллалар фаолиятини янада кучайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шу ўринда танловнинг май — июнь ойларида ўтказилган туман ва шаҳар босқичларида 9800 та, Қорқалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида эса 193 та фуқаролар йиғини қатнашганини айтиб ўтиш зарур.

Кўрик-танловда ҳудудий босқичларда биринчи ўринга сазовор бўлган 14 та фуқаролар йиғини жамоалари 3 та шарт бўйича ўзаро баҳс олиб борди. Аввало, иштирокчиларнинг ҳудудларда амалга ошираётган ишлари, эришган ютуқлари замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тақдим этилди. Бунда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси доирасида эришилган натижалар, асосий фаолият йўналишлари бўйича жамоатчилик комиссиялари, йиғинлардаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказлари, "Ота-оналар университетлари" фаолияти, "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги доирасидаги ютуқларга алоҳида эътибор қаратилди. Уларнинг жойларда маънавий муҳитни қарор топтириш, маърифий ишларни ташкил этиш, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш, миллий урф-одат ва қадриятларни сақлаш, тўй-маъракаларни ихчам ҳамда тартибли ўтказиш, кексаларни эъзозлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасидаги фаолияти ҳам синчковлик билан ўрганилди.

Кейинги шартда иштирокчиларнинг соҳага тегишли қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятига оид билимлари синовдан ўтказилди. Янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда берган жавоблари адолат тамойили асосида баҳоланди. Учинчи шартда эса уларнинг кундалик иш фаолиятида учрайдиган саволларга берган жавоблари ҳамда дунёқараши ва ҳозиржавоблиги текшириб кўрилди.

Якунда ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги "Юлдуз" маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринга лойиқ, деб топилди.

— Ҳудудимизда истиқлол йилларида кўплаб ибратли ишлар амалга оширилиб, муайян ютуқларга эришилди, — дейди мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жонобил Юсубалиев. — 2400 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган маҳалламизда 10 дан зиёд иссиқхона, 2 та тикувчилик цехи, 3 та паррандачилик корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўз навбатида, маҳалла аҳолисини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Масалан, жорий йил охиригача аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилашга қаратилган қарийб 600 минг АҚШ долларига тенг лойиҳани рўёбга чиқариш ҳаракатидамиз. Танлов ҳақида гапирадиган бўлсак, биз ғолиб бўлиш билан бирга, бу ерда келгуси фаолиятимизда қўл келадиган илғор тажрибаларни ўргандик. Шу маънода, мазкур кўрикнинг аҳамияти беқиёс, десак, айни ҳақиқатдир.

Кейинги ўринларни Жиззах шаҳридаги "Қипчоқ" ҳамда Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги "Қоровултепа" маҳалла фуқаролар йиғинлари банд этди. Бир неча номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Уларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Танлов иштирокчилари Жиззах вилоятидаги намунали маҳаллалар, йирик саноат корхоналари, шунингдек, жойларда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чиқди.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

**2015/2016 ўқув йили учун**
**магистратура тингловчилигига кириш синовлари бошланганлигини эълон қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси магистратураси тингловчиликка номзодлар учун «Давлат бошқаруви» соҳасининг 3 та ихтисослиги — «Иқтисодий соҳада менежмент», «Ижтимоий соҳада менежмент» ва «Минтақалар менежменти» бўйича кириш синовлари бошланганлигини эълон қилади.

Академия магистратурасига 35 ёшгача бўлган олий маълумотли, камида 2 йиллик бошқарув тажрибасига, иш жойидан ижобий тавсифномага, чет тили (инглиз тили) бўйича билимга, ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш кўникмаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

Номзодлар, шунингдек, кенг дунёқараш, чуқур билим, таҳлил қилиш қобилияти, юқори маънавий-ахлокий сифатларга, одоб ва кучли иродага эга бўлиши лозим. Ўқиш даврида академия тингловчиларининг иш жойи ва ойлик маошлари (рағбатлантирувчи юклама ва қўшимча тўловларсиз) сақланади.

Кириш синовларига мазкур талабларга мувофиқ дастлабки танловдан ўтган номзодлар таклиф этилади.

Кириш синовлари 3 босқичда ўтказилади:

— ёзма имтиҳон;
— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан 4 та фан бўйича тест (демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши назарияси ва амалиёти асослари, давлат ва ҳуқуқ асослари, иқтисодиёт ва менежмент асослари, Ўзбекистон тарихи);
— суҳбат.

Кириш синовлари жорий йилнинг 21 — 25 сентябрь кунлари ўтказилади. Машғулотлар 2015 йил 2 октябрдан бошланади.

Қабул комиссияси академия биносида душанбадан шанбагача соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

**Ўқув дастурлари бўйича тўлиқ маълумотларни академиядан қуйидаги манзил бўйича олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси 45-уй. Телефонлар: (+99871) 232-61-45, 239-11-24. Факс: (+99871) 232-61-05. E-mail: qabul@dba.uz, web: www.dba.uz**

1363R/666

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Қашқадарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Ғузор тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2010 йил 10 майдаги 2-32-09/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ғузор туманида жойлашган, умумий майдони 20200,0 кв.м., қурилиш майдони 6480,36 кв.м., қурилиши тугалланмаган «Ғузор ипак йўли» савдо мажмуаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 927 813 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 29 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 25 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Тел.: (0-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1332R/02

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Фарғона вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Данғара тумани СИБ томонидан ФИБ Қўқон туманлараро судининг 2014 йил 12 ноябрдаги 21223/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Данғара тумани, Хўжа қишлоғида жойлашган бино-иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 126 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 30 сентябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 28 сентябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг акциядорлик тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй. Телефонлар: (0-373) 244-46-39, 244-46-22. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1345A/02

## «VIP REAL ESTATE» МЧЖ
**аукцион савдосига таклиф этади.**

2015 йил 30 сентябрь куни соат 12.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент вилояти хўжалик судининг 2015 йил 20 июндаги 11-1535/2947-сонли ижро варақасига асосан, Оҳангарон тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Дўстлик» ҚФЙ, Ғалла қудуқ қишлоғида жойлашган чорвачилик фермаси бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 600 000 000 сўм.***

Аукцион савдосига чиқарилган кўчмас мулк билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТБ «InFinBank»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак:

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси;
— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
— закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати;
— хорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0-595) 143-0-143. E-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1348R/465

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖда 2015 йил 30 сентябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан 2015 йил 5 июндаги 10-1510/11813-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ҳамал кўчаси, 29-уйда жойлашган, умумий майдони 67820 кв.м., фойдаланиш майдони 11180 кв.м. бўлган кўчмас мулк такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 14 146 747 797 сўм.***

Юнусобод тумани СИБ томонидан 2015 йил 20 октябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

- 2015 йил 9 июндаги 1-3957/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 8-квартал, 1«А» уйда жойлашган, умумий майдони 435 кв.м. бўлган савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 673 567 502 сўм.***

- 2015 йил 21 апрелдаги 1-02/55-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Фирдавсий 3-тор кўчаси, 17/17-«А» уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 232,81 кв.м., тураржой майдони 152,24 кв.м. бўлган уй-жойнинг 1/2 қисми.

***Бошланғич баҳоси — 803 290 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (0-371) 250-19-24.**

Хизматлар лицензияланган.

1342A/34

## O'ZSANOATQURILISHBANK «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

**қуйидаги кўчмас мулк объектлари ва қишлоқ хўжалиги техникалари сотувга қўйилганлигини эълон қилади.**

**«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Тошкент вилояти минтақавий филиали бўйича:**

**1.** Темир-бетон ишлаб чиқариш бино-иншоотлари, умумий ер майдони — 11 721 кв.м., фойдаланиш майдони — 10 931 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 2 660 000 минг сўм.***

**Корхона манзили:** Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Навоий кўчаси.

**2.** «ТТЗ 80-10» русумли ҳайдов трактори, 2008 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 38 378 минг сўм.***

**3.** «ТТЗ 80-10» русумли ҳайдов трактори, 2008 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 38 378 минг сўм.***

**«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Бухоро минтақавий филиали бўйича:**

**1.** Ёғ-мой ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналари ҳамда бино-иншоотлар, умумий ер майдони — 28650 кв.м., фойдаланиш майдони — 3610,3 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 1 746 834 минг сўм.***

**Корхона манзили:** Бухоро вилояти, Бухоро тумани, «Лоша» ҚФЙ, Чоқмоқ маҳалласи.

**«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Сирдарё минтақавий филиали бўйича:**

**1.** 2 қаватли идора биноси, ер майдони — 1000 кв.м., фойдаланиш майдони — 450 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 57 186 минг сўм.***

**Корхона манзили:** Сирдарё вилояти, Гулистон тумани, «Дўстлик» СИУ, «Чортоқ» ҚФЙ, Чортоқ маҳалласи.

**2.** «Сайҳун» савдо мажмуасининг 32 та савдо дўкони, ер майдони — 4445 кв.м., фойдаланиш майдони — 4445 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 1 512 800 минг сўм.***

**Корхона манзили:** Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Фарҳод маҳалласи.

**3.** «ТТЗ 80-10» русумли ҳайдов трактори, 2001 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 11 700 минг сўм.***

**4.** «МХ-1.8» русумли 25 дона пахта териш машинаси, 2013 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — (ҳар бири 86 796 минг сўмдан) 2 169 906 минг сўм.***

**5.** «КамАЗ 5320» русумли юк автомашинаси, 1990 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 20 610 минг сўм.***

**6.** «Case-2366» русумли ғалла ўриш комбайни, 1997 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 72 000 минг сўм.***

**7.** «Claas dominator-130» русумли ғалла ўриш комбайни, 2007 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 121 085 минг сўм.***

**8.** «ПОН-5*40 (4+1)» русумли омоч (плуг), 2009 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 8 190 минг сўм.***

**«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Хоразм минтақавий филиали бўйича:**

**1.** Тураржой биноси, умумий майдони — 70,4 кв.м., фойдаланиш майдони — 37,4 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 41 368 минг сўм.***

**Манзил:** Хоразм вилояти, Хива шаҳри, Янгиобод шаҳарчаси, Бинокор маҳалласи, 17-уй, 8-хонадон.

**2.** 2 қаватли маъмурий ва омборхона биноси, умумий майдони — 371,9 кв.м., фойдаланиш майдони — 310,1 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 112 500 минг сўм.***

**Манзил:** Хоразм вилояти, Шовот тумани, Чиғатой қалъа қишлоғи, Роят маҳалласи.

**3.** «Т-4А» русумли ҳайдов трактори, 1998 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 35 000 минг сўм.***

**4.** «ЧТЗ-100» русумли ҳайдов трактори, 1975 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 27 000 минг сўм.***

**5.** Занжирли «ДЭК-50» русумли кўтарма кран, 1984 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 62 586 минг сўм.***

**6.** «HOWO» русумли юк автомашинаси, 2011 йил ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 91 800 минг сўм.***

**«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Андижон минтақавий филиали бўйича:**

**1.** Тураржой биноси.

***Бошланғич баҳоси — 150 000 минг сўм.***

**Манзил:** Андижон шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 34-уй.

**2.** «Хонобод» савдо мажмуасида жойлашган 14 та савдо дўкони, умумий майдони — 4000 кв.м., дўконлар майдони — 30 кв.м.дан 55 кв.м.гача.

***Бошланғич баҳоси (дўконлар баҳоси — 13410 минг сўмдан 28870 минг. сўмгача) жами — 358 825 минг сўм.***

**Корхона манзили:** Андижон вилояти, Хонобод шаҳри, «Юксалиш» (Охунбобоев) МФЙ, Хонобод кўчаси.

**«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Амалиёт бошқармаси бўйича:**

**1.** Қурилиши тугалланмаган дам олиш маскани биноси, умумий майдони: 2355 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 522 516 минг сўм.***

**Манзил:** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Салар» ҚФЙ, Ўқитувчи кўчаси.

**2.** Маъмурий ишлаб чиқариш биноси, умумий майдони — 26309 кв.м. фойдаланиш майдони: 1663,73 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 659 376 минг сўм.***

**Манзил:** Тошкент вилояти, Бўка тумани, С. Саймаков ширкат хўжалиги.

**Телефонлар: (0-371) 120-45-20, 120-45-35.**

Хизматлар лицензияланган.

1356A/661

## «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани судининг 2013 йил 26 декабрдаги 1-578-2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Чикризова кўчасида жойлашган, ер майдони 0,50 гектар, қурилиш ости майдони 850,0 кв.м.дан иборат бўлган икки қаватли, ертўлали қурилиши тугалланмаган бино.

***Бошланғич баҳоси — 414 256 160 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри Учтепа тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 15 июндаги 10-1520/8486-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Тошкент ҳалқа йўли, Саноат ҳудуди, 5-уйда жойлашган, «Dlmax sanoat savdo ko'rgazma biznes markazi» МЧЖга қарашли, қурилиш моллари савдо мажмуасидаги 0006-литер билан рўйхатга олинган 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51-сонли, умумий майдони 375,0 кв.м.дан иборат бўлган ҳамда 0007-литер билан рўйхатга олинган 52, 52а, 53, 54-сонли, умумий майдони 148,0 кв.м.дан иборат бўлган савдо дўконлари.

***Бошланғич баҳоси — 375 000 000 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри Сергели тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 17 июлдаги 10-1508/11274-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қўйлиқ мавзеси, У. Олимбеков кўчаси, 2-уйда жойлашган, «Far-eko-plast» МЧЖга қарашли, умумий майдони 6337,0 кв.м. бўлган, 12 та литердан иборат, шундан (11,0 кв.м., яъни 0006-литер қоровулхона бузиб ташланган) цех, маъмурий бино ва ёрдамчи бинолар.

***Бошланғич баҳоси — 3 650 600 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 14 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

Хизматлар лицензияланган.

1346A/6

## «EFFECT REAL GROUP» МЧЖ

**барча хўжалик юритувчи субъектларни, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахсларни тўғридан-тўғри музокаралар (оммавий оферта) орқали савдоларга таклиф этади.**

Оферта савдосига АТИБ «Ипотека-банк» Фарғона вилояти филиалининг Учкўприк тумани, «Учкўприк» ҚФЙ, Учкўприк қишлоғи, Ҳамид Олимжон кўчасида жойлашган, «Valley mountain`s fresh» МЧЖдаги 100 фоиз улуши қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 8 653 000 000 сўм.***

Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб, байрам ва дам олиш кунларидан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Объектнинг савдода туриш муддати — 2015 йил 30 сентябргача.

Савдога қўйилган объект ва унинг ҳужжатлари билан савдо ташкилотчиси ёки АТИБ «Ипотека-банк» Фарғона вилояти филиалида бевосита танишиш мумкин.

Оферта савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 0,5 фоизи миқдоридаги 43 265 000 сўм закалат пулини тўлов ҳужжатида объект номи кўрсатилган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Effect real group» МЧЖнинг «Савдогарбанк» Фарғона вилояти бўлимидаги СТИР: 302128329, МФО: 00500, 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Тўловнинг асосий шартлари: сотиш билан боғлиқ банк харажатларини тўлаш ва сотиб олувчи томонидан олдиндан 15 фоиз тўлов шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 банк куни ичида амалга оширилиши, қолган 84,5 фоиз тўлов сотувчи билан ўзаро келишувга асосан амалга оширилиши керак.

Бошқа шартлар: 15 фоиз олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг сотиб олувчига объектни тасарруф этиш ҳуқуқисиз эгалик ҳуқуқини расмийлаштириш ҳамда мазкур 15 фоизлик миқдордаги тўлов гаров деб ҳисобланади.

Оферта савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нусхаси, хорижий юридик шахслар — улар уставининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси, хорижий фуқаролар — чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномаси билан хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхасини тақдим этади. Талабгор буюртманома бериш ва савдода ҳамда савдо натижалари бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар ваколатли вакил томонидан қатнашганда ҳамда имзоланган тақдирда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Хизматлар лицензияланган.

**Талабгорлар барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй, «Effect real group» МЧЖ. Телефон: (+99895) 404-54-84.**

1347A/652



# Қарши: БУГУНИ ОБОД, ЭРТАСИ НУРАФШОН

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу тобда беихтиёр муаззам майдоннинг бир пайтлардаги кўримсиз аҳволи кўз олдимизда гавдалангандек бўлади. Мана бу биллур фавворанинг жойи қандай эди, яшил бахмалдек ястаниб ётган анави майсазор саҳннинг ўрнида нима бўлганди, деб турганимизда, суҳбатдошимиз тасаввурларимизга анчайин ойдинлик киритади:

— Эслайсизми, ўша кезларда шу жойлар, асосан, бетон ва асфальтдан иборат эди. Бунақа сўлим, кўкаламзор майдонлар ташкил қилиш ҳақида, ҳатто, ўйлаб ҳам бўлмасди. Ёзнинг жазирама иссиғида соя-салқин йўқлигидан ўзингни қўярга жой топа олмасдинг. Кўчаю хиёбонларни обиҳаёт билан таъминлайдиган мўъжаз суғориш иншоотлари йўқ. Мана бунақа “рақс тушадиган” фавворалар ҳақида эса тасаввур қилишнинг ўзи қийин эди...

Мустақилликнинг ҳар бир куни ҳаётимизга ўзгача файзу тароват олиб кирмоқда. Эндиликда оддий воқеликка айланаётган бундай ўзгаришлар шаҳару қишлоқларимиз янада обод, турмушимиз бундан-да фаровон бўлишига мустаҳкам замин яратаётир. Ҳар қадамда бунёдкорлик, ҳар бир кишининг кўнглида юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси жўш урган.

Бундай асрий янгиланишлар Қаршига ҳам кўркамлик бағишлаётир. Президентимизнинг 2013 йил 25 июлдаги “Қарши шаҳрининг йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва қурилишининг истиқболли режаси дастури тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим ўрин тутмоқда.

Мазкур ҳужжат асосида шаҳарнинг юрагига айланган Мустақиллик майдони тубдан реконструкция қилинди. Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида янги амфитеатр бунёд этилди, замонавий аттракционлар ишга туширилди. Ноёб ҳамда ўзига хос ландшафт дизайни асосида бетакрор жозиба касб этган бундай замонавий боғ, айтиш мумкинки, дунёнинг камдан-кам жойларида учрайди.

— Болалигимизда ёши улуғларимиз ранги рўйи сўлғинроқ одамга рўбарў келишса, “Жўра, нима бўлди, Қаршининг офтобида куйдингизми?” деб мутойиба қилишарди, — дея эслайди “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раиси Январ Иноятов. — Гап шундаки, юртимизнинг қуёш нақ тиккадан урадиган нуқтасида жойлашган, яна денг, чор-атрофга нуқул тош-бетон ётқизилган шаҳримизда ўша кезлари ёзнинг жазирама кунларида ҳаво



ҳарорати кескин кўтарилиб кетарди. Кўчаларда юриб бўлмай қоларди. Ўзи шундоқ ҳам бармоқ билан саналадиган даражада кам бўлган сайёҳлар-ку, бундай пайтда сафар манзилларини ўзгартиришарди. Энди-чи? Ён-атрофи сўлим боғ-роғлару соя-салқин жойлардан иборат шаҳар — жоннинг роҳати. Қувонарлиси, бундай бунёдкорлик ҳаракатлари ҳудудимизнинг ҳар бир нуқтасида қизғин давом эттирилаяпти. Ҳозир янги қурилган ва реконструкция қилинган маданий-маърифий масканлар, спорт иншоотлари, тарихий ёдгорликлар ён-атрофи, истироҳат боғлари, маҳаллалар, таълим-тарбия муассасалари, корхона ҳамда ташкилотлар ҳудудлари, марказий шоҳкўчалар ёқалари гулзорга айлантирилаяпти. Четдан келтирилган ноёб ва маҳаллий иқлим шароитимизга мос манзарали дарахт кўчатлари ўтказилмоқда. Ҳар тарафга гулу райҳонларнинг ёқимли бўйи таралаяпти.

Кези келганда, вилоятнинг “олтин дарвозаси” — Қарши темир йўл вокзали ҳам капитал таъмирдан чиқарилгач, ўзгача маҳобат ва салобат касб этганини айтмасак бўлмас. Пойтахтдаги “Меъмор” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, манзарали дарахтлардан иборат сўлим боғ ҳамда гулзор ташкил қилинди. Айни пайтда қурилиши жадал давом этаётган гипермаркет, ҳадемай, вилоят маркази кўркига кўрк қўшувчи йирик ва замонавий савдо мажмуасига айланади. Бу ерда болалар майдончаси, кино зали, тўйхо-



на ва меҳмонхона ҳам иш бошлайди.

Автомобилларнинг ҳаддан ташқари тирбандлиги нафақат аҳоли кайфиятига, балки атроф-муҳит мусаффолигига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, экологик муаммоларни юзага келтириши барчамизга яхши аён. Шаҳарни қайта қуриш юзасидан қабул қилинган махсус дастурда ушбу масала ечимига ҳам эътибор қаратилган. Шу мақсадда Қарши ҳудуди ҳамда атрофидан ўтувчи йўлларни кенгайтириш, кўча ёқаларини кўкаламзорлаштириш ишлари муттасил давом эттирилмоқда. Жумладан, ҳудудни айланиб ўтувчи 56 километрлик ҳалқа йўли барпо қилинаяпти. Ушбу йирик йўл инфратузилмаси фойдаланишга топширилиши билан шаҳардан ўтувчи транспорт қатнови 50 фоиз қисқаради. Бундан ташқари, унинг темир йўл ва дарёлар билан кесишадиган нуқталарида 6 та замонавий йўл ўтказгич ҳамда кўприк қурилаяпти. Бу шаҳар ҳавоси мусаффолигини ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

— Албатта, бундай равон йўл ва маҳобатли кўприкларнинг ўрни беқиёс, — дейди бош пудратчи, Шўртан газ-кимё мажмуасининг Кўприк-йўл қурилиш бошқармаси бош муҳандиси Қаюм Рустамов. — У шаҳримиз аҳли ва меҳмонларининг узоғини яқин, мушкулини осон қилади. Минглаб манзилларга ободлик ҳамда тараққиёт олиб киради. Шу боис қурилиш жараёнида унинг мустаҳкам бўлишига алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Фақат бугина эмас. Кейинги йилларда Насаф, Ўзбекистон ва Амир Темур шоҳкўчалари кенгайтирилиб, уларнинг ўтказувчанлик қуввати ошди. Ён-атрофи турли ноёб гул ва дарахт кўчатлари билан сайқал топди. Тунги ёритқичлар билан нурафшон бўлди. Вилоят марказини электр энергияси, алоқа, табиий газ ҳамда ичимлик суви билан таъминловчи коммуникация иншоотлари янгиланди.

Қарши — мафтункор обидалар маскани. Бу ердаги ўрта асрларга доир илм-фан, маданият ривожидан дарак берувчи кўплаб тарихий ёдгорликлар, маданий мерос дурдоналари, археологик объектлар аждодларимиз турмуш тарзини акс эттирувчи бебаҳо кўзгудир, десак, янглишмаймиз. Халқ орасида Хўжаи Жарроҳ номи билан машҳур бўлган Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ архитектура мажмуасини олинг. Неча-неча улуғлар қадами етган ана шу мўътабар маскан собиқ тузум даврида харобага айланган эди. Истиқлол берган имкониятлар туфайли бу ерда кенг кўламли реконструкция ишлари олиб борилди. Мақбара, айвон, минора ва бошқа ёрдамчи бинолар таъмирланди. Мафтункор меъморий ансамбль кўр тўккан майдон 5,5 гектарга кенгайтирилди. Бинобарин, шаҳардаги Одина, Кўкгумбаз, Қашқадарё кўприги, Қарши туманидаги Имом Мўъийн ан-Насафий ва Хўжа Шамсиддин Ҳалвоний зиёратгоҳлари ҳам ана шундай эътибор туфайли, таъбир жоиз бўлса, иккинчи умрини бошлади.

Чиндан ҳам, бугун Қаршининг қай бир манзилига борманг, қай бир маҳалласига қадам қўйманг, бирор бир хушхабарни эшитиб, кўнглингиз қувончга тўлиши тайин. Бу тўйлар тўйларга, байрамлар байрамларга уланаётган заминимиздаги тинчлик-осойишталик, фаровонлик белгисидир. Энг муҳими, ана шундай ўзгариш ва янгиланишлар ҳудудда истиқомат қилаётган бағрикенг, жонкуяр, ташаббускор ва миришкор инсонлар қалбидаги ғайрат-шижоат, кўтаринки кайфият билан уйғунлик касб этмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Спорт

## Полвонларимиз Олимпиада йўлланмасини қўлга киритди

*АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича давом этаётган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз аъзолари Рустам Ассакалов ва Ихтиёр Наврўзов кумуш медалга сазовор бўлди.*

Айтиш жоизки, мазкур мусобақада полвонлар нафақат совринли ўринлар, балки келаси йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмалари учун ҳам ўзаро беллашмоқда. Регламентга кўра, ҳар бир вазн тоифасида кучли олтиликка кирган спортчилар Олимпиадада қатнашиш имконига эга бўлади. Айни шу жиҳат баҳсларнинг қизиқарли ва муросасиз кечишини таъминлаяпти.

Энди бевосита ҳамюртларимиз иштироки ҳақида тўхталсак. Юнон-рум кураши бўйича 85 килограмм вазн тоифасидаги полвонлар беллашувида иштирок этган Рустам Ассакалов франциялик жаҳон чемпиони Мелонин Нумонви, австриялик Амер Хрустанович, эронлик Ҳабибулло Жомеҳ Аҳлагий, финляндиялик Рами Антеро Хиетаниемини мағлубиятга учратиб, совриндор бўлди. Эркин курашчилар мусобақасида эса Ихтиёр Наврўзов (65 кг.) намибиялик Жейсон Африканер, украиналик Титал Жафарян, мўғулистонлик Мандахнаран Ганзориг, жаҳон чемпиони, россиялик Сослан Рамоновни енгиб, иккинчи поғонани банд этди.

Шу тариқа Рустам ва Ихтиёр 2016 йили Рио-де-Жанейрода ташкил этиладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Таъкидлаш ўринлики, эришилган ушбу муваффақият давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, атлетларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва уларда муносиб иштирок этиши учун яратиб берилган шарт-шароитлар самарасидир.

## Веломарафон ғолиблари тақдирланди

*Пойтахтимизда “Камолот-тур” VIII ёшлар веломарафонининг республика босқичи бўлиб ўтди.*

Мазкур анъанавий мусобақа “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Касаба уюшмалари Федерацияси, Велоспорт федерацияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси каби қатор давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида уюштирилди.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни спортга кенг жалб қилиш мақсадида ўтказилган мазкур мусобақанинг ҳал қилувчи босқичида ҳудудлардан сараланган 42 нафар велопойгачи қатнашди. Улар 13 километрлик масофани босиб ўтди.

Якунда ғолиблар уч ёш тоифаси бўйича аниқланди. Шунингдек, қатнашчилар “Энг маҳоратли иштирокчи”, “Энг иродали иштирокчи қиз”, “Энг маҳоратли техник велопойгачи” сингари номинациялар бўйича ҳам тақдирланди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

## Яшил майдон маликалари

*Пойтахтимиздаги “Жар” спорт мажмуасида “Яшил майдон маликалари” республика мусобақасининг финал босқичи бўлиб ўтди.*

Қизлар ўртасидаги мазкур беллашув Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Баҳслар доирасида ўтказилган тадбирда мамлакатимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самара бераётгани таъкидланди. Хусусан, қизлар футболини ривожлантириш, ҳаваскор спортчиларнинг маҳоратини юксалтириш мақсадида бир қатор беллашувлар жорий этилган. “Яшил майдон маликалари” республика мусобақаси шулардан биридир.

Унинг якуний босқичида саралаш баҳсларида муваффақиятли қатнашган тўртта жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди. Биринчи ўрин учун бўлиб ўтган учрашувда Тошкент вилояти жамоаси Фарғона вилояти вакиллари устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди ва бош совринни қўлга киритди. Учинчи ўрин учун кечган беллашувда қашқадарёлик футболчи қизлар Хоразм вилояти жамоасини 1:0 ҳисобида енгди.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**

## Бунёдкорлик ва фаровонлик тараннуми

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мустабид тузум даврида номлари, асарлари тақиқлаб қўйилган ёзувчи ва шоирларимизнинг хотираси эъзозланиб, адабий мероси қайта тиклангани, таваллуд саналари кенг нишонланиб келинаётгани, нашриёт ва босмахоналар, газета ҳамда журналларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, нашр ишлари замонавий талаблар асосида йўлга қўйилаётгани, адабиёт аҳлини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар буни яққол тасдиқлайди.

Тадбирда истиқлолнинг 24 йиллиги арафасида Президентимиз фармонларига биноан Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган бир гуруҳ ижодкорлар алоҳида эътироф этилди. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамони, Тошкент давлат шарқшунослик институтининг “Мумтоз филология” кафедраси профессори Суйима Ғаниева ҳам бор.

— Мамлакатимиз озодлиги, эркинлиги — улуғ неъмат, — дейди навоийшунос олима Суйима Ғаниева. — Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан истиқлолимизнинг йигирма тўрт йиллик тўйи “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” деган эзгу шиор остида нишонлангани замирида ҳам мустақилликни асраб-авайлаш, қадрлаш фикри мужассамдир. Бугун бизнинг қадримиз баланд, қаддимиз тик. Шахсан ўзим камтарона хизматларимнинг Юртбошимиз томонидан юксак қадрланганидан бошим осмонга етди. Менга ўхшаб қадр топган ва бундан куч-ғайрат олиб илҳомланганлар қанчадан-қанча? Бизнинг барча илму интилишларимиз, эзгу ниятларимиз озод юртимизни обод этишга қаратилган. Ободлик эса, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, кўнгилдан бошланади. Маънавий-маърифий ҳаётимиздаги беқиёс ўзгаришлар, инсон манфаатининг устувор саналиши, ёшларимизнинг Навоийни ўрганишга иштиёқи ортиб бораётганлиги ана шу улуғвор ўзгаришларнинг самарасидир.

Тадбир давомида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан бадиий-публицистик мақолалар, очерклар, насрий ва шеърий йўналишдаги энг яхши асарлар учун эълон қилинган “Ватан учун яшайлик!” республика танлови ғолиблари ҳам муносиб тақдирланди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

САЛОМАТЛИК

## Янги диагностика маркази

*Термиз шаҳрида тадбиркор Абдужалол Менглиев саъй-ҳаракати билан диагностика ва даволаш маркази ишга туширилди.*

— Дастлаб фойдаланилмай турган бинони 4 миллиард сўмлик инвестиция киритиш ҳамда 80 та иш ўрни яратиш шарти билан олгандик, — дейди тадбиркор. — Бинони қайта реконструкция қилдик. Банк томонидан ажратилган имтиёзли кредит ҳисобига барча хоналарни жиҳозладик.

Тадбиркор марказнинг даволаш бўлимини ҳам яқин кунларда ишга тушириш арафасида. Мазкур бўлимга қиймати 270 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ эвазига энг сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар келтириб ўрнатиш режалаштирилган. Ушбу лойиҳа амалга ошгач, яна 50 та иш ўрни яратилади.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ЭЪЛОН

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**

**2015 йил 15 октябрь куни бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

● Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 4-уйда жойлашган, «Yangi texnologiyalar ilmiy-axborot markazi» ДУК балансидаги, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/155 OBA, «Opel omega» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 26 767 000 сўм.***

● Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 28-уйда жойлашган, Ион-Плаза ва лазер технологиялари институти қошидаги махсус конструкторлик-технологик бюроси балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

● 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/287 LBA бўлган «ГАЗ-53А».

***Бошланғич баҳоси — 1 915 000 сўм.***

● 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/289 LBA бўлган «ММЗ-45021».

***Бошланғич баҳоси — 4 462 000 сўм.***

● 1960 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз «АП-1513» русумли тиркама.

***Бошланғич баҳоси — 147 000 сўм.***

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун бошланғич баҳонинг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пули «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланиши шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Аукцион савдоси ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунига қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

**Аукцион савдолари соат 15.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали). Мурожаат учун алоқа воситалари: тел./факс: (0-371) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

*Гувоҳнома № 005357.*

1355А/30


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси З. Ш. Рўзиевга онаси

**ҲАЛИМА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси Электроника ва радиотехника кафедраси профессори, техника фанлари номзоди

**Амонжон Абдумажидович АБДУАЗИЗОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 391 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5